

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ ФАРРУХ ИСМОИЛОВИЧ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг
08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 339.138:658 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Рашидов Фаррух Исмоилович

Акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари
самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш 3

Рашидов Фаррух Исмоилович

Совершенствование оценки эффективности маркетинговых стратегий
в акционерных обществах 29

Рашидов Фаррух Исмоилович

Improving the evaluation of the effectiveness of marketing strategies in
joint-stock companies 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ ФАРРУХ ИСМОИЛОВИЧ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг
08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1924 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фаттаҳов Адихамжон Азизович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йўлдошев Нуритдин Қурбонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашуров Зуфар Абдуллоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., доцент

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш орқали рангли металлларга бўлган эҳтиёжни қондиришга ҳисса қўшиш йиллар давомида ортиб бормоқда. “Жаҳонда иккиламчи мис рангли металлни йиғиш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2015 йилда 5,9 миллион тоннадан 8,3 миллион тоннага, яъни 41% га ошган бўлса, иккиламчи алюминий рангли металлни йиғиш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2015 йилда 8,4 миллион тоннадан 15,6 миллион тоннага, яъни 86% га ошган”¹. “2018 йилда дунё иккиламчи рангли металллар бозори ҳажми 90,0 миллиард АҚШ долларидадан ошиб кетди”². Бу эса, атроф-муҳитни ва табиатни асраш, қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, самарали бошқарув тизимини шакллантириш, маркетинг стратегияларидан самарали ва кенг қўламли фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш сингари масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, инновацион жараёнларни бошқариш, янги технологияларни жорий этиш, иккиламчи металл маҳсулотларини кўпроқ йиғиб олиш бўйича самарали иш тизимини ташкил этиш, замонавий юқори самарадорликка эга машина ва ишлаб чиқариш технологияларини ишга тушириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда иккиламчи рангли металлларни йиғиш ва қайта ишлаш билан хорижий инвестициялар иштирокидаги “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти шуғулланиб, бугунги кунда “йилига 25,4 минг тоннадан ортиқ иккиламчи рангли металл йиғилиб қайта ишлаб келинмоқда”³. Республикамиздаги “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти ва бошқа акциядорлик жамиятлари бозорда ўз ўрнини мустахкам эгаллаши, ички ва ташқи бозорларда рақобатга дош бериши учун албатта, талаб ва таклиф қонуни асосида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши лозим. Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотларига кўра, жами 230 та давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлиб, улар асосан собиқ иттифоқ даврида пайдо бўлган жамиятлардир”⁴. Собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқариш ташкилотлари режа асосида ишлаб чиқариш билан шуғулланган, белгиланган нарх билан маълум харидорларга маҳсулотлар сотилган. Бундай вазиятда маркетинг тушунчаси ҳам, маркетинг стратегиялари ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас эди. Афсуски, ўша даврда яратилган завод ва фабрикалар ўша тизим қолипида, маркетинг тадқиқотларисиз, стратегияларисиз ишлаб келмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбордош эмаслигига харидор йўқлиги, бозорни

¹ GLOBAL NON-FERROUS SCRAP FLOWS 2000-2015 with a focus on Aluminium and Copper by Sue Eales of World Bureau of Metal Statistics in 2016.

² <https://www.bir.org/the-industry/non-ferrous-metals>

³ “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятидан олинган маълумотлар

⁴ <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/12398-davlat-ulushidagi-zgarishlar-dinamikasi>

ўрганмасдан ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган услубларида маркетинг стратегиялари мавжуд эмаслигини билмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубини жорий этиш тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”, 2022 йил 21 февралдаги 83-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2018 йил 6 июндаги 425-сон “Рангли ва қора металллар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Маркетинг стратегиялари илмий-назарий ва методологик муаммоларининг баъзи жиҳатлари: М. Мак-Дональд, Г.Армстронг, Ж.Бернет, В.Вонг, С.Мориарти, Ж.Сондерс, Ф.Котлер, М.Портер, Е.Дихтель, Х.Хершген, Дж.О.Шонесси, Уолкермл. О., Бойд-мл. Х., Ларше Ж.-К., Дж.Маллинз, К.Лавлок, Н.Малхотра, П.Чевертон, Ансофф И., Каплан Р., Нортон Д., Минцберг Г., Альстренд Б., Друкер П., Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж., Шумпетер Й. Р. Майлз, Ч. Сноу, Д. Нортон, Р. Каплан, Д. Ленсколд каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁵.

⁵ Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. – СПб.: Наука, 2006 г.; Котлер Ф, Армстронг Ф, Сондерс Г, Вонг Д. Основы маркетинга. – СПб.: Вильямс, 2008 г.; Майкл Е. Портер. «Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов». Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс. 2005. – 454с.; Дихтель Е, Хершген Х. Практический маркетинг, учеб. пособие / пер. снем. Макарова А.М.: под ред. Минко И.С. – М.: Высш. шк. 1995. –225с.; О’Шонесси Дж. Конкурентный маркетинг: стратегический подход / пер. с англ. под. ред. Д.О. Ямпольской. – СПб: Питер, 2002. – С. 118.; Уолкермл. О., Бойд-мл. Х., Ларше Ж.-К., Маллинз Дж. Маркетинговая стратегия: курс МВА: пер. с англ. - М.: Вершина, 2006. - 496 с.; Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии.- М., СПб, Киев: Вильямс, 2005. 997 с.; Малхотра Н. Маркетинговые исследования. Практическое руководство. 3-е издание. Пер. с англ. – М.: Вильямс,2002-960 с.; Чевертон П. Теория и практика современного маркетинга: Полный набор стратегий, инструментов и техник - Пер. с англ.

Бундан ташқари маркетингнинг назарий асослари ва маркетинг стратегияси: Г.Азоев, О.Беленов, Е.Голубков, Дж.О.Шонесси, Д.Ямпольской, К.Девид, А.А.Бравермана, С.Минетт, Н.Молчанов, О.Уолкер, Х.Бойд, Ж.Ларше, Дж.Маллинс, В.Салий, И.Сольская, Р.Фатхудинов, Г.Хардинг, В.Шкардун каби таниқли хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган⁶.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмурадов, Қ.Х. Абдурахмонов, М.Р.Болтабаев, З.Ж.Адилова, А.Солиев, А.А.Фаттахов, Ш.Ж.Эргашходжаева, Э.Г.Набиевларнинг⁷ тадқиқот ишлари маркетинг стратегияларини илмий назарий асосларини яратишга қаратилган. Шунингдек, маркетинг стратегиялари муаммолари Т.А.Акрамов, А.Ҳ.Эргашев, А.Ж.Қаххоров томонидан бажарилган ишларда ўз аксини топган.

Амалга оширилган илмий тадқиқотларга қарамай, акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегияларини шакллантириш услубиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари билан боғлиқ масалалар тизимли равишда тадқиқ этилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

В.Н. Егорова. – М.: Фомр - Пресс, 2002. – С. 162. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб.: Питер, 1999. – 413 с.; Каплан Р., Нортон Д. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию.- М.: Олимп, 2003, с.254.; Минцберг Г., Альстренд Б., Школа стратегии. Пер. сангл. – СПб.: Питер, 2000.- с.336.; A. Chandler Strategy and Structure. Cambridge. MITPRESS, 1962, p.365; Портер М. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 635 с.; Друкер П. Задачи менеджмента в XXI веке. Перевод с англ. -М.: Вильямс. 2000.- с.272; Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж. Стратегический менеджмент. / Под ред. Л.Г. Зайцева, М.И. Соколовой. – М: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2007. – 576 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982.; Miles. R.E., Snow C.S. Organization strategy, Structure and Process, McGraw-Hill, 1978.

⁶Азоев Г.Л. Формирование маркетинговых технологий управления организациями в конкурентной среде: Дис. д-ра экон. наук: 08.00.05 М., 1997. 334 с.; Беленов О.Н. Система стратегического маркетинга на промышленном предприятии: Дис. д-ра экон. наук. – Воронеж: ВГУ, 2000. 439 с.; Голубков Е.П. Маркетинговое исследование: теория, практика и методология. М.: Финпресс, 1998. 416 с.; Дж О`Шонесси. Конкурентный маркетинг: стратегический подход. /Пер. с англ. под ред. Д.О. Ямпольской. – СПб.: Питер, 2002. – 864 с.: ил. – (Серия «Бизнес-класс»); Кривенс, Девид, В. Стратегический маркетинг, 6-е издание.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2008. – 512 с.; Маркетинговые стратегии роста прибыльности и стоимости бизнеса. Практика крупных российских компаний. /Под ред. А.А.Бравермана, НО «Российская ассоциация маркетинга». – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2006. – 319 с.; Минетт С. Промышленный маркетинг: принципиально новый подход к решению маркетинговых задач / Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – 208 с.; Молчанов Н.Н. Инновационный процесс: организация и маркетинг: Дис. д-ра экон. наук. – СПб.: СПбГУ, 1995. 379 с.; О. Уолкер, Х.Бойд, Ж.Ларше, Дж.Маллинс. Маркетинговая стратегия. Курс МВА, пер. с англ. И.Клюева. – М.: Вершина, 2006. – 496 с.; Салий В.В. Маркетинговые стратегии в потребительской кооперации: Дис. д-ра экон. наук. – Новосибирск.: Сибирский гос. ун-т потребительской кооперации, 2001. 342 с.; Сольская И.Ю. Концепция и методология маркетинг-менеджмента в системе российского предпринимательства: Дис. д-ра экон. наук. – Иркутск: Ин-т экономики ИГТУ, 2000. 300 с.; Фатхудинов Р.А. Стратегический маркетинг: Учебник для вузов, 5-е издание. – СПб.: Питер, 2008. – 368 с.; Хардинг Г. Маркетинг промышленных товаров. / Пер. с англ. - М.: Сириус, 2002. 272 с.; Шкардун В.Д. Маркетинговые основы стратегического планирования: Теория, методология, практика: Монография. – М.: Дело, 2005. – 376 с.;

⁷ Bekmurodov F.Sh. va boshqalar. Strategik marketing: O'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2010.; К.Х.Абдурахмонов. Маркетинг персонала: монография / Ю.Г. Одегов, Р.А. Галияхметов, К.Х. Абдурахманов, М.Р. Галияхметова.- Ижевск: Изд-во ИжГТУ имени М.Т. Калашникова. – 348 с.; Адилова З.Ж. Халқаро бозорларга экспорт махсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси ., и.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. этг. дисс. – Тошкент, 2008 й.; Солиев А. Маркетинг. – Т.: Молия ва иқтисод. 2009. -395 б.; Фаттахов А.А. Стратегии маркетинга в оптовой торговле и пути повышения её эффективности. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Т.: 2004.- 42 с.; Ш.Ж.Эргашходжаева. «Инновацион маркетинг». Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2014 й.; Э.Г. Набиев. Менеджмент маркетинг. Ўқув қўлланма. Чамаллак пресс. Тошкент-2017, 519-б.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сон «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг илмий методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиялари илмий-методологик асосларини ёритиб бериш;

акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегияларини мувозанатланган кўрсаткичлар тизими асосида шакллантириш;

хорижий акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш тажрибасини ўрганиш;

«Ўзбекистон металл» АЖ фаолиятининг иқтисодий ҳолатини таҳлилини амалга ошириш ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бажарилишини таҳлил қилиш;

республикамиздаги самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш;

рақобатнинг ривожланиши шароитида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш;

ташқи ва ички муҳитнинг омилларини ҳисобга олган ҳолда рангли металллар йиғиш ва қайта ишлаш тизимида маркетинг стратегияларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш;

«Ўзбекистон металл» АЖ маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва рангли металллар йиғиш ва қайта ишлаш тизимида фаолиятини амалга ошираётган «Ўзбекистон металл» акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида расмий-манتيқий, операцияларни тадқиқ этиш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш, иқтисодий таҳлил, таққослаш, таснифлаш, синтез, қиёсий ва динамик таҳлил, PEST- ва SWOT-таҳлил, сегментлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мувозанатланган кўрсаткичлар тизими асосида компания бош стратегияси билан боғлиқ бўлган самарали маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиш механизми таклиф этилган;

7P маркетинг комплексидан фойдаланган ҳолда маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш такомиллаштирилган;

7P маркетинг комплекси асосида маркетинг стратегияларини яратиш механизми ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда “ўртача” (80%-90%), “етарли” (90%-100%), “юқори” (100% дан юқори) чегараларидаги мезонлар орқали ходимларни руҳлантириш механизми ишлаб чиқилган;

самарадорликни ошириш мақсадида мувозанатланган кўрсаткичлар тизими ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда акциядорлик жамиятларидаги натижа бермаётган бўлимлар ва ходимларни аниқлаш тизими жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон Республикасидаги «Ўзқилимчиранглиметалл» акциядорлик жамиятининг мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard - BSC) ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators – KPI) тизимидан фойдаланган ҳолда самарали маркетинг стратегиялари шакллантирилган;

яратилган тизим асосида маркетинг стратегиялари бажарилишини мониторинг қилиб бориш, натижада, компаниянинг асосий стратегияси бажарилишини баҳолаш мезонлари тасдиқланган;

7P маркетинг комплекси асосида маркетинг стратегияларини яратиш механизми ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators – KPI) тизимидан фойдаланган ҳолда ходимларни рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилган;

самарадорликни ошириш мақсадида акциядорлик жамиятларидаги натижа бермаётган бўлимлар ва ходимларни аниқлаш тизими жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида фойдаланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, расмий маълумот манбалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, «Ўзқилимчиранглиметалл» АЖ материаллари ва халқаро ташкилотлар ҳисоботлари қўлланиши ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан тадқиқот натижаларининг тасдиқлангани изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мувозанатланган кўрсаткичлар тизими ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда самарали маркетинг стратегияларини шакллантириш, яратилган тизим асосида маркетинг стратегиялари бажарилишини мониторинг қилиб бориш, натижада компаниянинг асосий стратегияси бажарилишини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда ходимларни рағбатлантириш масалаларига оид махсус илмий ишларда манба сифатида қўлланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан корпоратив тузилмаларнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида

“Менежмент” ва “Маркетинг” фанларидан ўқув-услугий қўлланма ҳамда дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиши. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

мувозанатланган кўрсаткичлар тизими асосида компания бош стратегияси билан боғлиқ бўлган самарали маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиш механизми «Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги 1054-02/26-сон маълумотномаси). Натижада ушбу самарали маркетинг стратегиясининг амалиётга жорий этилиши акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини 13 фоизга ошириш имконини берган;

7P маркетинг комплексидан фойдаланган ҳолда маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги 1054-02/26-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши тармоқнинг асосий ва маркетинг стратегияси натижадорлигини аниқлаш имконини берган;

7P маркетинг комплекси асосида маркетинг стратегияларини яратиш механизми ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда “ўртача” (80%-90%), “етарли” (90%-100%), “юқори” (100% дан юқори) чегараларидаги мезонлар орқали ходимларни рағбатлантириш механизми бўйича берилган таклифлар «Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги 1054-02/26-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ходимларнинг меҳнат унумдорлигини 25 фоизга ошириш имконини берган;

самарадорликни ошириш мақсадида мувозанатланган кўрсаткичлар тизими ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда акциядорлик жамиятларидаги натижа бермаётган бўлимлар ва ходимларни аниқлаш тизими бўйича берилган таклифлар «Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбекиламчиранглиметалл» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги 1054-02/26-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши акциядорлик жамиятининг самарадорлик кўрсаткичи 15 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, илмий-амалий конференция тўпламларида 12 та

маъруза тезиси, жумладан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 128 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ҳақида маълумот келтирилган ҳамда нашр этилган ишларнинг рўйхати ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва услубий асослари»** номли биринчи бобида акциядорлик жамиятларида рақобатнинг ривожланиши шароитида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг илмий-методологик асослари тадқиқ этилган, акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегияларини мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard) асосида яратиш ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолашнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган ва акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг илғор хорижий тажрибалари ўрганилган.

Илмий адабиётларда маркетинг стратегиясининг турлича тушунчалари ва таърифлари мавжудлиги маркетинг стратегияси тушунчасини тизимлаштириш ва мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Маркетинг йўналиши бўйича тадқиқотчи олимлар ўз асарларида «маркетинг стратегиялари» тушунчасига таъриф берадилар. Тадқиқотларга кўра, аслида бугунги кунга қадар маркетинг стратегиясига айнан қайси компонентлар кириши лозимлигининг аниқ таърифлари мавжуд эмас⁸.

Айрим олимлар «стратегия» ва «ривожланишнинг устувор йўналишлари» ҳамда «мақсадларга эришиш стратегияси» тушунчалари ўртасидаги фарқларни таъкидлайдилар⁹. Маркетинг стратегияси, фикримизча, ташқи ва ички муҳитда бирор-бир ўзгаришлар юзага келгани сари маълум ўзгариш ва тузатишларни киритиш мумкин бўлган дастурдан иборат. Фикримизча, айнан маркетинг стратегияси компанияга муайян мақсад ва вазифаларни аниқлаш, нимага интилиши ва қандай ривожланиши лозимлигини белгилаш имконини

⁸ О'Шонесси Дж. Конкурентный маркетинг: стратегический подход / ингл. дан под. ред. Д.О. Ямпольской. – СПб: Питер, 2002. – С. 118.

⁹ Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг. -М.: Высшая школа. ИНФРА-М,1996.-с.215 ва Ансофф. Новая корпоративная стратегия. – СПб.: Питер Ком,1999.-С.30.

беради.

Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг асарлари таҳлил қилиниб, маркетинг стратегиясининг қуйидаги асосий компонентлари ажратилган:

– қўйилган маркетинг мақсадларини асослаб бериш мақсадида корхонанинг ташқи ва ички муҳитини таҳлил қилиш;

– маркетинг дастурини шакллантириш;

– корхонанинг мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard) ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) белгилаб олинади;

– самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ташкилотнинг ҳар бир ходимига тақсимлаб берилади;

– маркетинг стратегиялари самарадорлиги ҳар ойда мониторинг қилинади ва баҳолаб борилади;

– натижалар таҳлил қилиниб, агар стратегия нотўғри бўлса, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Маркетинг фаолияти бошқарув жараёнининг асосий стратегик қисмидир. Маркетинг самарадорлигини баҳолаш жуда қийин вазифадир. Маркетинг стратегияларини амалга ошириш натижасида олинган миқдорий таъсирни ҳар доим ҳам изоҳлаш мумкин эмас. Шунга қарамай, ушбу муаммони ечишда турли хил ёндашувлар мавжуд.

Улардан келиб чиқиб, маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг сифат, миқдорий, социологик ва балл методлари кўриб чиқилди.

Маркетинг стратегияларини танлаш, жорий этиш, мониторинг олиб бориш, натижаси бўйича қарорлар қабул қилиш тизими жорий этилиши лозим. Бундай тизимлар иқтисодиётда бир қанча бўлиб, улардан энг самаралиси ва натижакорлиги бўйича мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard) ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators) тизими алоҳида ўрин тутди.

Диссертация доирасида ушбу тизимлардан фойдаланган ҳолда маркетинг стратегияларини яратиш ва жорий этиш кўрсатиб берилади.

Мувозанатланган кўрсаткичлар тизими ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари жуда ўхшаш бошқарув тизимларига эга. Уларнинг фарқи, кўрсаткичларни бошқариш даражаси ва интеграцияси билан боғлиқ. Мувозанатланган кўрсаткичлар тизими ташкилот қандай ишлашини ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари муайян ижрочилар қандай ишлашини кўрсатади.


Мувозанатланган кўрсаткичлар тизимида 4 та тамойил мавжуд (1-расм). Булар:

- молия;

- харидор;

- ички бизнес жараёнлари;

- ходимлар (малака, ўсиш ва ташкилий масалалар).



1-расм. Мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard - BSC)¹⁰

Ушбу блокларнинг ҳар бири учун ташкилот асосий мақсадларни белгилайди, самарадорлик драйверлари ва уларни баҳолайдиган кўрсаткичларни аниқлайди. Ушбу йўналишлар мақсад дарахтининг пастки мақсадлари бўлиб, улар учун асосий нарса "бозор самарадорлиги" дир. Ушбу дарахтни қуришни давом эттириш билан биз тарвақайлаб кетган контурни оламиз, унинг пастки даражаси ҳар бир томон амалга оширган кўрсаткичларни ўз ичига олади. Ҳар бир ташкилотда баҳолаш жиҳатлари таркиби ҳар хил, бу фаолиятнинг ўзига хос хусусияти билан белгиланади, шунинг учун мувозанатланган кўрсаткичлар тизimini ишлаб чиқишда улар энг мос томонларини танлашга эътибор беришади.

Молия акциядорларнинг манфаатларини қондириш нуқтаи назаридан баҳоланади. Молиявий нуқтаи назардан, одатда, якуний мақсадлар корхонанинг айланмаси, рентабеллиги, соф фойдаси, пул оқими ва бошқаларни ошириш учун олинади.

Маркетинг истикболлари доираси бозорнинг асосий сегментларини аниқлайди, бу ерда компания ўз маҳсулотларини фаол равишда илгари суриш ва сотишни режалаштиради. Бундай ҳолатда мижозлар эҳтиёжини қондириш, мижозлар базасини сақлаш ва кенгайтириш, бозорнинг ҳар бир сегментида даромадлилик самарадорлиги драйверлари ҳисобланади.

Ички жараёнлар истикболида, биринчи навбатда, инновацион лойиҳалар кўриб чиқилади. Корхонадаги ички жараёнлар тизими бўйича менежерларни бошқаришнинг рационалиги, ушбу жараёнларни ташкил этишнинг

¹⁰ Р.Каплан Д.Нортон "Сбалансированная система показателей", Москва: ЗАО Олимп Бизнес 2003г, С.18

мақбуллиги аниқланади. Асосий жараёнларни танлашда нафақат корхонанинг жорий самарадорлигини, балки уни ошириш имкониятини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўрганиш ва ўсиш истиқболлари ходимлар каби қимматбаҳо ресурс ёрдамида корхонанинг ўз ривожланиши ҳақида қайғуриш даражасини англатади. Бозорда узоқ муддатли бўлишини таъминлаш учун ходимларнинг малакасини оширишга, замонавий технологияларни ривожлантиришга доимий равишда, маблағ киритиб туриш лозим.

Шундай қилиб, компания стратегиясининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб стратегик карта яратилади. Стратегик карта асосида мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard) ва унга мос равишда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators) яратилади. КРІ ҳар бир ходимга хизмат вазифасидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаб чиқилади. Ушбу тизим мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard) деб аталади.

Мувозанатланган кўрсаткичлар тизимининг бош маъноси: компания стратегиясини ишлаб чиқамиз, унга мос равишда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (Key Performance Indicators) белгилаб оламиз, кўрсаткичлар бажарилишини назорат қилган ҳолда белгиланган мақсадга эришамиз.

Диссертацияда дунёнинг йирик компаниялари, жумладан “Starbucks” қаҳва компанияси, “Nestle”, “Apple”, “Coca-Cola”, “BMW”, “Nike” компанияларининг маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг қайси усуллари ва қай тарзда баҳолангани ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг жорий этиш ҳолати таҳлили»** номли иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини яратиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, хорижий инвестициялар иштирокидаги “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти молия-хўжалик фаолияти таҳлили ва “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бажарилиши таҳлили амалга оширилган.

Республикамиздаги акциядорлик жамиятларида стратегик маркетинг, менежмент, корпоратив бошқарув тамойиллари асосида бошқариш 2015 йилдан бошлаб янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори республикамиздаги акциядорлик жамиятларининг ривожланишига жиддий туртки бўлди.

Ҳужжатга мувофиқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, акциядорлик жамиятлари самарадорлигини тубдан яхшилаш, уларнинг потенциал инвесторларга очиклиги ва жозибдорлигини таъминлаш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш, акциядорларнинг ролини кучайтириш

корхоналарни стратегик бошқариш, стратегик маркетинг ва менежмент асосида фаолият юритишларини таъминлаш кўзда тутилди.

2015 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини амалга ошириш тўғрисида” ги 207-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан «Акциядорлик жамиятлари ва давлат улуши бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисида» ги Низом тасдиқланди.

Демак, акциядорлик жамиятлари ҳам ҳар бир бўлим ва бўғинларда ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда КРІ лар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш орқали харидорларни, ходимларни, акциядорларни ва бошқа қизиқувчи (масъул) томонларнинг талаб ва истакларини қондириш ва натижада, жаҳон бозорига чиқиши, экспортни ривожлантириши, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириши муҳим экан.

Тадқиқот олиб борилган «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамияти ёки «Ўзбекистон рангли металл» АЖ Марказий Осиёдаги рангли металлларни иккиламчи қайта ишлаш бўйича ягона ихтисослаштирилган корхона ҳисобланади.

Бугун «Ўзбекистон рангли металл» АЖ республикаимиз бўйича тайёрлаш ташкилотларининг кенг тармоғига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг барча иқтисодиёт тармоғини сифатли рангли металллар билан таъминловчи замонавий корхонадир.

1-жадвал

“Ўзбекистон рангли металл» АЖ
2017-2021 йиллардаги қайта ишлаш ҳажми ҳолати
ТАҲЛИЛИ¹¹

тоннада

№	Маҳсулот номи	2017	2018	2019	2020	2021
1	Алюмин қуймалари	2 700,00	4 528,00	6 507,00	5 415,11	10 927,89
2	Мис қуймалари	1 021,00	1 381,00	2 285,00	3 013,10	3 739,46
3	Қўрғошин қуймалари	3 812,00	3 839,04	4 769,00	5 782,35	7 944,02
4	Рангли металл чиқитлари		3 199,00	3 955,90	4 873,50	2 756,40
	Жами	7 533,0	12 947,04	17 516,90	19 084,06	25 367,77


“Ўзбекистон рангли металл» АЖ томонидан йиллар давомида қайта ишлаш ҳажми босқичма-босқич ошириб келинмоқда. 2017 йилда завод томонидан 7533,0 тн рангли металллар қайта ишланган бўлса, 2021 йилга келиб, қайта ишлаш ҳажми 25 366,77 тн га етказилган (1-жадвалга қаранг).

¹¹ “Ўзбекистон рангли металл» АЖ маълумотлари асосида тайёрланган

“Ўзбекистон алюминий металл” АЖ
2017-2021 йиллардаги экспорт ҳажми ҳолати¹²

Маҳсулот номи	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	тн	минг АҚШ доллари	тн	минг АҚШ доллари	тн	минг АҚШ доллари	тн	минг АҚШ доллари	тн	минг АҚШ доллари
Алюмин куймалари	867	969	2 563	3 726	2 968	3 655	2 167	2 590	9 310	14 454
Мис куймалари	929	2 780	1 357	5 273	2 320	9 052	2 796	10 629	3 699	18 326
Рангли металл чикитлари	-	4 613	-	369	-	2 265	-	1 592	-	1 823
Кўрғошин куймалари ва бошқалар	-		3 093	4 482	2 949	5 163	4 377	7 075	7 348	12 425
Жами	1 796	8 362	7 013	13 849	8 236	20 134	9 340	21 885	20 357	47 027

“Ўзбекистон алюминий металл” АЖнинг сифат кўрсаткичлари халқаро талаблар даражасида бажарилиб, валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида йиллар давомида экспорт ҳажми 5,6 бараварга оширилган. 2021 йилда жами қайта ишланган маҳсулотнинг 80,2%и экспорт қилинган (2-жадвалга қаранг).



2-расм 2011-2021 йиллардаги ялпи даромаднинг ўсиши¹³

Жамиятда сотишдан олинган соф тушум 2021 йилда 2011 йилга нисбатан 588,9 млрд.сўмга ёки 23,4 бараварга ошиб, 615,2 млрд.сўмни ташкил этган

¹² “Ўзбекистон алюминий металл” АЖ маълумотлари асосида тайёрланган.

¹³ «Ўзбекистон алюминий металл» АЖнинг 2011-2021 йиллар бўйича молиявий ҳисоботлари.

бўлса, сотилган маҳсулот таннархи 567,2 млрд.сўмга ёки 31,8 бараварга ошиб, 585,6 млрд.сўмни ташкил этган (2-расмга қаранг).

3-жадвал

«Ўзбекистон қўшма ширкати» АЖнинг 2011-2021 йиллардаги рентабеллик коэффициентлари¹⁴

%.

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Сотиш рентабеллиги	16,5	9,1	9,1	7,4	5,8	5,1	9,1	4,0	8,2	6,4	0,7
Активлар рентабеллиги	16,1	10,8	9,8	9,0	8,1	7,0	12,1	4,7	16,8	13,2	2,2
Харажатлар рентабеллиги	20,1	10,1	10,0	8,0	6,2	5,4	9,1	4,1	8,8	6,9	0,7

Жамиятда рентабеллик кўрсаткичлари ҳам 2011 йилдан 2021 йил якунларигача камайган, 2021 йилда сотиш рентабеллиги 0,7%, активлар рентабеллиги эса 2,2% га етган. Бунга асосий сабаб, йиллар давомида сотишдан олинган тушумнинг ошиб бориши, соф фойданинг ўзгармасдан, бир хил даражада бўлганлигини кўриш мумкин (3-жадвалга қаранг).

4-жадвал

«Ўзбекистон қўшма ширкати» АЖ 2011-2021 йилларда 1 дона акцияга тўғри келувчи даромад таҳлили¹⁵

сўмда

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1 дона акция номинал қиймати	737	737	2089	1525	2634	2634	2634	2634	2634	2634	2634
1 дона акцияга тўғри келувчи номинал активлар	2791	3292	3578	3932	4246	4430	6301	7568	11973	14130	13818
1 дона акцияга тўғри келувчи даромад миқдори	594	451	459	460	461	463	1666	1160	4088	3708	600

Жамиятнинг 1 дона акциясига тўғри келувчи даромад ҳам 2011 йилдан 2016 йилгача камайган. 2011 йилда бу кўрсаткич 594 сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 600 сўмни ташкил этган.

1 дона акцияга тўғри келувчи номинал активлар эса, 2011 йилдан 2020 йилгача фақат ўсган. 2011 йилда бу кўрсаткич 2791 сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса 14130 сўмни ташкил этган. 2021 йилда эса, соф фойда миқдорининг кескин камайиши натижасида ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан камайиб, 13818 сўмни ташкил қилган. Шу сабабли бугунги кунда «Ўзбекистон қўшма ширкати» АЖнинг акциялари қимматли қоғозлар биржасида ўтган йили 25000 сўм атрофида сотилган бўлса, 2022 йил ўртасига келиб 14000 сўм атрофида сотилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон фармони

¹⁴ «Ўзбекистон қўшма ширкати» АЖнинг 2011-2021 йиллар бўйича молиявий ҳисоботлари

¹⁵ «Ўзбекистон қўшма ширкати» АЖнинг 2011-2021 йиллар бўйича молиявий ҳисоботлари

бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” 207-сонли қарорга мувофиқ республикамиздаги устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларда КРІ тизими жорий этилди.

Низомга асосан, 13 тадан асосий ва қўшимча кўрсаткичлар жорий этилган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар хар йили кейинги йил учун тайёрланган жамият бизнес режасига киритилиб, жамият кузатув кенгаши ва/ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланмоқда. Ушбу кўрсаткичларни бажарилишини жамият ички аудит хизмати ва ташқи аудит хизмати томонидан текширилмоқда.

Аудит натижалари билан ижро органи фаолиятига баҳо берилиб, қўшимча равишда рағбатлантирилмоқда.

Д.Нортон ва Р.Каплан ўз асарларида КРІ нафақат руҳлантирувчи тизим, балки бошқарув тизими деб қаралса, жамиятга кўпроқ фойдаси тегиб, кутилган натижага эришилишини айтиб ўтган.

“Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ бошқарув тизими самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, жамият кузатув кенгаши томонидан 2020 йил учун тасдиқланган КРІ кўрсаткичларининг бажарилиши қуйидагича эканлиги маълум бўлди.

5-жадвал

“Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари бажарилиши¹⁶

№	Кўрсаткичлар	2020 йил				
		Улуши %	Бизнес режа	Ҳақиқатда	Ижроси, (%)	Самарадорлиги
1	Активлар рентабеллиги	9%	0,12	0,174	145%	13,06
2	Абсолют ликвидлилик коэффициенти	8%	0,20	0,07	36%	2,89
3	Молиявий мустақиллик коэффициенти	25%	2,01	1,22	61%	15,19
4	Кредиторлик қарзлари айланиши	13%	63,00	61,99	102%	13,21
5	Дебиторлик қарзлари айланиши	13%	26,00	37,45	69%	9,02
6	Қоплаш коэффициенти	25%	1,47	1,24	85%	21,13
7	Дивиденд чиқиши	6%	0,50	0,50	100%	6,00
8	Дебиторлик қарзлари камайиши кўрсаткичи	1%	5,00	0	0%	0,00
Жами		100%				80,5

Юқорида таъкидланган Низомнинг 27-бандига мувофиқ самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи 80,5% дан ортиқ бўлганлиги сабабли жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан жамият ижро органи фаолиятига ўртача даражада деб баҳо берилган.

¹⁶ “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ маълумотлари асосида тайёрланган

Аммо “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли Қарорларига мувофиқ республикамиздаги устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларда ўрнатилган КРІ тизими акциядорлик жамияти фаолиятига тўла-тўқис ва холисона баҳо беролмайди.

1. Корпоратив бошқарув тизими мукамал эмас. Кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифа ва масъулиятларини, бурч ва жавобгарликларини яхши билмайди ва ҳис қилмайди. Натижада ижро органига етарли вазифа ва масъулият юклашни билмайди. Аслида, Кузатув кенгаши ижро органига етарли даражада КРІ ларни ўрнатиши, КРІ лар нафақат молиявий кўрсаткичларни, балки маркетингни, ишлаб чиқариш жараёнларини, ходимлар ва малака оширишни ҳам назарда тутиши керак эди. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли Қарорларига мувофиқ республикамиздаги устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларда ўрнатилган КРІ тизими акциядорлик жамияти фаолиятига тўла-тўқис ва холисона баҳо беролмайди.

2. Ижро органида бошқариш учун етарли билим ва кўникма мавжуд эмас. Аслида ижро органи акциядорлик жамиятлари уставига мувофиқ хорижий менежерларни танловда иштирок этиш имкониятини яратган ҳолда танлов асосида танлаб олиниши керак эди. Ижро органи улар учун Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган КРІ ларни бошқармалар, бўлимлар ва ходимлар даражасигача туширган ҳолда тақсимлаши лозим эди. Уларни ҳар ойда бажарилишидан келиб чиқиб, ходимларни мукофотлаш ва бошқача руҳлантириш мақсадга мувофиқ эди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли Қарорларига мувофиқ республикамиздаги устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларда ўрнатилган КРІ тизими акциядорлик жамияти фаолиятига тўла-тўқис ва холисона баҳо беролмайди.

4. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли Қарорларига мувофиқ республикамиздаги устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларда ўрнатилган КРІ тизими акциядорлик жамияти фаолиятига тўла-тўқис ва холисона баҳо беролмайди.

**«Ўзбекистончиранглиметалл» АЖ фаолияти натижаларининг
SWOT –таҳлили»¹⁷**

Кучли жиҳатлари	Заиф жиҳатлари
<ul style="list-style-type: none"> • Ҳар бир вилоят, туманларда металл йиғиш филиаллари мавжудлиги ва қўшимча филиаллар ташкил этиш учун маълум захира қувватларининг мавжудлиги. • Металларни филиаллардан ташиб келишда ўзининг транспорт воситаларини мавжудлиги. • Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда етарли молиявий имкониятларга эгалиги. • Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80% дан ортик қисми экспорт қилинаётганлиги • Металларнинг контрабанда орқали четга чиқиб кетишининг олдини олишда давлат идоралари билан доимий ҳамкорлик қилиши. 	<ul style="list-style-type: none"> • Металларни қазиб чиқариш имконияти йўқлиги. • Металларни сотиб олишда сотиб олиш нархлари бўйича рақобатбардош эмаслиги. • Корхона ишлаганда атроф-муҳитга кўп миқдорда зарар етказиши. • Йиллар давомида хом ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтмаганлиги. • Маркетинг стратегияси компонентларини жорий этилмаган. • Кадрларни инновацион иқтисодиётнинг талабларига мувофиқ тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги
Имкониятлари	Хавфлар
